

Буюк Мусаввирнинг яратгани



12:30 / 11.03.2021 1809

Инсон ҳужайрасининг ҳозиргача олинган энг сўнги тасвири. Расм манбаси Гарвард университети (2020 йил, декабрь)

Расмда битта ҳужайранинг ички тuzилиши акс этган. Худди ичида турли дизайндаги корхона, хиёбон, ранг-баранг дарахтлари бор шаҳарга ўхшайди.

Бизнинг ҳужайралар ҳеч қачон шаклланишдан тўхтамайди. Ҳужайралар тананинг қурилиш блокларидир. Ҳар сонияда инсон танаси 25 миллион

янги хужайра ишлаб чиқаради. Таққослаш учун, танамиз ҳар 13 сонияда Қўшма Штатлар аҳолиси сонидан кўпроқ хужайра ишлаб чиқаради.

Вояга етган инсон танасида тахминан 40 триллиондан ортиқ хужайра бор.

Микроскопсиз кўриб бўлмайдиган даражадаги хужайранинг ичига бизга маълум ва номаълум нарсаларни жойлаб, ҳар бирига вазифасини юклаган Аллоҳ таоло буюк, пок зотдир!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

﴿قَدْ خَلَقْنَاكُمْ نُفُوسًا مُّهِمَّةً لِّتَعْلَمُوا حُدُودَ مَا نَزَّلْنَا فِي سُبُلِكُمْ وَتَرْجِعُوا إِلَىٰ رَبِّكُمْ لَعَلَّكُمْ تَهْتَكُونَ﴾

«Уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўзларидаги оят(белги)ларимизни яқинда кўрсатамиз. Токи, уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид экани кифоя қилмасми?!» (Фуссилат сураси, 53-оят).

Аллоҳ таоло бу оятда бизни ўраб турган борлиқда ва танамизда Ўзининг борлигига ва бирлигига далолат қиладиган далиллар, ишораларни келажакда намоён қилишини баён этяпти. Ушбу далиллар, ишораларни ўрганган ва улар ҳақида тафаккур қилганларга Қуръони Каримнинг илоҳийлиги ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбарликлари ойдинлашади.

Хужайранинг асоси бўлган цитоплазманинг 80 фоизи, кўплаб организмлар 50-90 фоиз сувдан таркиб топгани маълум бўлди. Танамизнинг тахминан 70 фоизи, миямиз, кўзимизнинг асосий қисми сувдан иборат.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ نَارٍ وَنَارٌ خَلَقْنَاكُمْ﴾

«Куфр келтирганлар осмонлару ер битишган бўлганини, бас, уларни очганимизни ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни билмайдиларми? Иймон келтирмайдиларми?» (Анбиё сураси, 30-оят).

Сувдан яратилган барча жонзотлар, ўсимликлар яшаши учун сувга эҳтиёж сезишини барчамиз биламиз.

Демак, яратилишимиз ҳам сувдан, яшашимиз учун ҳам сувга эҳтиёжимиз бор.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройл қилсин!

***Islom.uz, Quran.ksu.edu.sa ва бошқа интернет маълумотлари асосида
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***